



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келајаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 7 ноябрь, № 224 (6918) Сешанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ШАРОФ РАШИДОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар! Қадрли Жиззах аҳли!

Бугун барчамиз жонажон Ватанимиз ҳаётидаги улкан воқеа муносабати билан қадимий ва навқирон Жиззах шаҳрида тўпланиб турибмиз. Шу кунларда Ўзбек халқининг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи ва беназир инсон Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Кўп миллатли халқимиз бу улғу инсоннинг азиз номини ёд этиб, унинг ўлмас хотирасига чуқур ҳурмат ва эҳтиром бажо келтирмакда.

Шароф Рашидов ўзининг ноёб ақл-заковати, бой билим ва тажрибаси, меҳнатсеварлиги ва қамтарлиги, юксак инсоний фазилатлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки узоқ-яқин ўлкаларда ҳам катта обрў-эътибор қозонган эди.

Бу улғу инсон, собиқ мустабид тузум даврида турли тазйқ ва синовларга бардош бериб, халқимиз ва миллатимизга садоқат билан, ҳалол ва фидокорона хизмат қилди. Умрининг сўнги дақиқаларида ҳам далага бориб, захматқаш ўзбек деҳқонлари орасида бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Шароф Рашидов оддий халқ орасидан чиққан, ҳақиқий юртпарвар раҳбар эди. У киши бир умр ўзи каби содда ва камтарин одамларга елкадош бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари билан яшади. Уларга хизмат қилишни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб билди.

Ҳар қандай мураккаб шартларда ҳам халқимиз манфаъатини ўйлаб амалга оширган ана шундай савобли ишларини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

"Минг афсуски, ҳаёт бу инсонга шундай мураккаб қисматни раво кўрдикки, у юрагидagi барча орзу-умидларини рўйғба чиқариш, ўз меҳнатининг ҳосилидан тўла баҳраманд бўлиш имконига эга бўлмади.

Аксинча, мустабид тузум ўзига садоқат билан хизмат қилган шундай улғу инсонни охири-оқибатда турли тўхнат ва маломатларга дучор қилди.

Шароф Рашидов вафот этиши билан унинг хотирасини ҳўрлаб, қабрини кўчирди-

лар, оила аъзолари, қариндош-уруғларини, дўстлари ва шоғирдорларини қўвгин қилдилар. "Пахта иши", "Ўзбек иши", "Рашидовчилик" деган бўхтон гаплар билан у кишининг азиз номини, бутун халқимизни ёмонотлиқ қилдилар.

Фақатгина мустақиллик даврига келиб, Биринчи Президентимиз Исроом Абдуғаниевич Қаримов томонидан тарихий адолат тикланди — Шароф Рашидовнинг пок номи оқланди ва 75 йиллик таваллуд санаси юртимизда кенг нишонланди.

Биз бугун яқин тарихимизда бўлган ана шундай аянчли воқеаларни эслар эканмиз, мустақиллигимизнинг қадр-қўмматини янада теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт.

Шароф Рашидов республика раҳбари сифатида зиммасидаги улкан вазифаларга қарамасдан, ўзи бутун борлиги билан севган адабиётга ҳамisha содиқ қолди.

У ўзининг бетақорор истеъдоди билан эзгу қадриятларини тараннум этган роман ва қиссалар, шеър ва достонлар, публицистик мақолалар яратди.

Рус тилини мукамал эгалаган, бу тилда бадиий асарлар ҳам халқимиз манфаъатини ўйлаб амалга оширган ана шундай савобли ишларини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

"Икки дил достони" деган гўзал асарини ҳаммамиз севиб ўқиганмиз. Менинг назаримда, чинакам севиб ва садоқат достони бўлган бу асарда Шароф ака ва у кишининг меҳрибон рафиқаси, оқила ва мунис ўзбек аёли Хурсаной опанинг ибратли ҳаёти ва тақдири мўжассам бўлгандек туюлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу матонатли аёл умр бўйи Шароф Рашидов билан ҳамнафас бўлиб, ҳаётнинг барча синовларига бардош бериб, энг оғир давларда ҳам умр йўлдошига содиқ бўлиб яшайди. Бундай себаҳо фазилатлари билан бу муштариф опа-

миз халқимиз ўртасида чинакам вафо ва садоқат тимсолига айланади.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан: Шароф ака ва Хурсаной опанинг берган таълим ва тарбияси, шахсий намунаси туфайли уларнинг оиласи, фарзандлари ўз ота-оналарига муносиб бўлиб, эл-юртта фидойиллиги билан бу қўлгўжондон номини доимо пок сақлаб келмоқда. Бундай ҳислатлар кўп миллатли халқимиз, юртимиздаги барча оилалар учун ҳар томонлама ўрнак ва ибратга лойиқ бўлган маънавий ҳодисадир.

Қадрли ватандошлар! Ҳурматли меҳмонлар! Бугун биз ўзбек халқининг буюк фарзанди Шароф Рашидовни Рашидовнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирар эканмиз, унинг номи ва ҳаёти Ватанимиз, халқимиз тарихи билан ҳамбарчас боғлиқ эканига яна бир бор амин бўлмоқдамиз.

Шароф Рашидовнинг мураккаб, шу билан бирга, шарофли ҳаёт йўлида ўзбек халқининг ХХ асрдаги тақдири ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Улғу Ватан уруши бошланishi билан у биринчилар қаторида фронтга отланди ва душман билан курашда ҳақиқий мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатди. Оғир яра-ланганидан сўнг Ўзбекистонга қайтиб, бор куч ва гайратини аямасдан, турли лавозимларда ишлади.

Шароф Рашидов ўта машаққатли йилларда Ўзбекистонга қайтиб чорак аср давомида раҳбарлик қилди. Унинг раҳнамолигида республикамиз иқтисодий тараққиёт, илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида улкан муваффақиятларга эришди.

Минглаб гектар қаровис ерлар ўзлаштирилди. Ўзбекистон ҳаритасида янги шаҳар ва қишлоқлар пайдо бўлди, юзлаб завод ва фабрикалар қурилди, боғу роғлар барпо этилди. 1966 йилдаги кўплаб вайронагарчиликлар келтирган зилзиладан сўнг киска мuddатда замонавий Тошкентнинг мустаҳкам пойдевори яратилди.

Бугунги маросимда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан Шароф Рашидов билан узоқ йиллар давомида бирга ишлаган вакиллар иш-роҳу эътиборини тавдбирга алоҳида руҳ ва маъно-мазмун бағишламоқда. Уларнинг орасида атоқли давлат ва жамо-

ат арбоблари, олимлар, маданият ва санъат намояндalari борлигини таъкидлаш лозим.

Биз, шунингдек, Шароф Рашидовни яхши таниган ва яқиндан билган муҳтарам меҳмонларимизни самимий қўллашдан мамнунмиз.

Булар учувчи-космонавтлар — ватандошимиз Владимир Жоникбеков ва Солижон Шарипов, таниқли селекционер олим Иван Кузьмин, Шароф Рашидов ҳақидаги қатор китоблар муаллифи, ёзувчи Фёдор Раззоқов ва бошқалардир.

Қадрли меҳмонлар, Шароф Рашидовнинг хотирасига бўлган ҳурмат ва эҳтиромингизни биз, аввало, бутун Ўзбекистон халқига бўлган ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Барчамизга самимий миннатдорлик билдириб, чин қалбидан мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад тилайман.

Мухтарам юртдошлар! Бундан бир йил муқаддам халқимизнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, Шароф Рашидовнинг 100 йиллик таваллуд тўйини бутун мамлакатимизда кенг нишонлаш, у киши тугилиб қамолга етган ана шу заманда муҳташам ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор қилган эдик.

Шу асосда Жиззах туманига Шароф Рашидовнинг муборак номи берилгани халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан қутиб олинди.

Утган қисқа вақт давомида ушбу мажмуада Жиззах аҳли, бутун республикамиздан келган қўлигул усталар, қурувчи ва мейморлар, мутасадди ходимлар сиқидилдан меҳнат қилдилар. Натижада бу ёдгорлик мажмуаси табаррук зиёратгоҳга айланганига бугун барчамиз гўвоҳ бўлиб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча-барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдиришарман.

Шулар қаторида Шароф Рашидовнинг хотирасини абдийлаштириш, бу улғу инсон ҳақидаги тарихий адолатни тиклаш мақсадида янги илмий ва бадиий асарлар, мақола ва хотиралар ёзган, спектакль ва фильмлар, ҳайкаллар яратган ижодкор зейлларимизга ҳам чин қалбидан ташаккур изҳор этаман.

Ишончим комил, бу гўзал масканга қадам қўйган ҳар бир одам, авваламбор, ёшларимиз Шароф Рашидовнинг нури сиймосида мард ва матонатли халқимизга хос оlijаноб фазилатларни кўрган-дек бўлади.

Бу улғу инсоннинг бетақорор тимсоли барчамизни Ватани ҳақиқий фарзандлик меҳри билан севишга, унга ва ўзбек халқига садоқат билан хизмат қилишга даъват этиб туради.

Азиз дўстлар! Ҳаммамиз яхши хабардорсиз, кейинги бир йил давомида юртимизнинг турли ҳудудларида Ибрат домла, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф сингари улғу адабларимиз хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари, уларнинг номидagi ижод мактаблари барпо этилди.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида кўни кеча Жиззах шаҳрида миллий адабиётимизнинг улкан намояндалари — Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига қўйилган муаззам ҳайкал очилди. Уларнинг номи билан аталган хёбон, ижод мактаби ва музей ўз ишини бошлади.

Бор-йўғи ўттиз беш йил яшаб, адабиётимиз осмонидa чамқоқдек чанқангандир истеъдод соҳиби Ҳамид Олимжон ва атоқли шоира Зулфияхонимнинг ҳаёт ва ижод йўли ёш авлодимиз учун ҳар жиҳатдан ибрат намунаси-дир.

Ана шу ижод маскани ёшларимиз, энг аввало, мунис ва лобар қизларимизнинг истеъдод ва қўбиятини рўйғба чиқариш, уларни Зулфияхоним каби вафодор, доно ва оқила, ўз юртига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда мустаҳкам замин бўлади.

Бу маънавият кошонасининг эшикларини нафақат Жиззах вилояти, балки бутун мамлакатимиз ёшлари учун очилди.

Бугунги маросимда иштирок этаётган сиз, азизлардан битта илтимосим бор: фарзандларимизни, айниқса, қизларимизни ана шундай гўзал масканларга кўпроқ олиб келсак, уларни адабиёт ва санъатнинг сири дунёси билан ошно этсак, ўйлайманки, нур устига нур бўларди.

Мен ишонманам, ушбу тақдиримизга Жиззах аҳли ва бутун халқимиз албатта қўллаб-қувватлайди.

Қадрли ватандошлар! Муқаддас китобларимизда яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик эканига алоҳида уру берилмади.

Шароф Рашидов умр бўйи ўз халқига, барча соғи ниғти инсонларга яхшилик қилиб, уларни улғу мақсадлар йўлида бирлаштириб, эзгу ишларга сафарбар этиб яшади.

Бу оlijаноб, донишманд ва бағрикенг инсон, қандай суронли синовларга дуч келган бўлмасин, юксак гуманистик ғояларга доимо содиқ бўлиб, халқимиз қалбида яхши ном, сўнмас хотира қолдирди.

Бугун Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасига қўрсатилаётган чексиз эҳтиром, ҳурмат ва иззат бу фикримиз яна бир бор яққол тасдиқлаб турибди.

Мухтарам дўстлар, қадрдонлар! Буюк арбоб, улғу инсон, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидовнинг охирашларини обод бўлсин!

Азиз фарзандларининг хотирасини ардоқлаб, руҳларини шод этиб яшаётган халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз ҳамisha тинч, осмонимиз мусаффо, эл-юртимиз фаровон бўлсин!

Эътиборингиз учун қўлай шарт-шароит

## ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.



Илдизлари мустаҳкам дарахт кўкка бўй чўзади. Тарихини билган, қадрланган халқнинг мартабаси баланд, келајаги буюк бўлади.

Мамлакатимиз бутун дунёда ана шундай ҳурмат-эътибор қозонган. Утганлар руҳини шод этиш, хайрли ишларини эслаш ва улғулаш миллий қадриятимизга айланган.

Президентимиз Шавкат

Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларнинг, миллий гуруҳ-иштикорнинг юксак намунаси бўлди.

6 ноябрь — Шароф Рашидов туғилган кўни Жиззахда ушбу санага бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шароф Рашидов иштирок этди.

Дастлаб эхсон дастурхони ёзилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Жиззах шаҳри марказида ўрнатилган Шароф Рашидов ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

(Давоми 3 ва 4-бетларда) >>>

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### МАХСУС ТУРДАГИ ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЭКСПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ИМПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТҚАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги "Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5012-сон ва 2017 йил 31 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4996-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2887-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, экспорт-импорт операцияларини бошқариш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йил 10 ноябрдан бошлаб: ушбу Фармонга 1-иловага киритилган махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Президентини ўқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида

(Давоми 2-бетда) >>>

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган махсулотларнинг экспорт қилиниши ва турларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

1. 2017 йил 1 декабрдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ: а) хизматларини (ишларини) экспорт қилиш операцияларини бўйича — бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб, товарларни экспорт қилиш операцияларини бўйича эса —

божхона юк декларациясини расмийлаштирилган санадан бошлаб мuddати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлишини ҳисоблашнинг ягона мuddати 120 кун этиб белгиланади, қўйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Президентлари — муассислар томонидан чет элдаги ташқи компаниялар (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўба қорхоналари, фирма дўконлари, деперлик тармоқлари ва консигнация омборлари)га;

(Давоми 2-бетда) >>>

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### МЕВА-САБЗАВОТ МАХСУЛОТЛАРИ, УЗУМ, ПОЛИЗ, ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР, ШУНИНГДЕК, ҚУРИТИЛГАН САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш Бўйича Қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспорт қилинадиган янги мева-сабзавот махсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларнинг (кейинги ўринларда мева-сабзавот махсулотлари деб юритилади) ҳажминини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун қўлай шарт-шароит

яратиш, маҳаллий мева-сабзавот махсулотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида:

(Давоми 3-бетда) >>>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н И

МАХСУС ТУРДАГИ ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ,  
ШУНИНГДЕК, ЭКСПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ИМПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ  
ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ўқиб ўзбекистон Республикаси Тикланиши ва таракқийёт жамғармаси маблаглари ёхуд Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Хукумати) томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар) (тижорат банклари томонидан қайта молиялаштирилмагани бундан мустасно), шунингдек, устас капиталида давлат улushi 50 фоиздан ортиқни ташкил қиладиган ҳўжалик субъектлари ва устас капиталидаги улшининг 50 фоиздан ортиқ устас капиталида давлат улushi 50 фоиздан ортиқни ташкил этадиған ҳўжалик субъектлари тегишли бўлган юридик шахслар маблаглари ҳисобиға молиялаштирилмаган ҳамда тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича тузилган ва битта шартнома бўйича суммаси 100 минг АҚШ долларига тенг микдордан ортиқни ташкил этадиған импорт шартномалари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан экспертизадан ўтказилади;

унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар), шунингдек, устас капиталида давлат улushi 50 фоиздан ортиқни ташкил этадиған ҳўжалик субъектлари ва устас капиталидаги улшининг 50 фоиздан кўпроги устас капиталида давлат улushi 50 фоиздан ортиқни ташкил этадиған ҳўжалик субъектлариға тегишли бўлган юридик шахслар маблаглари ҳисобиға молиялаштирилмаган, битта тендер (танлов) бўйича суммаси 100 минг АҚШ долларига тенг микдордан ортиқни ташкил этадиған тендер (танлов) савдолари доирасида тендер (танлов) ҳўжатлари экспертизаси ёки тендер (танлов) тақлифларини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Бунда тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича тузилган импорт контрактлари қўшимча экспертизадан ўтказилмасдан ҳисобга қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигиға: Ўзбекистон Республикаси Хукуматиининг қарорлари ва ҳўкуматлараро битимлар асосида тузилган; ушбу Фармонға 2-иловаға киритилган товарларни (ишлар, хизматларни) экспорт қилишға контрактларни (шартномаларни) рўйхатдан ўтказиш юқлансин, биржада тузилган контрактлар (шартномалар) бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилишға лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низоми бир ой мuddатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Импорт контрактларини ва тендер (танлов) ҳўжатларини экспертизадан ўтказиш, шунингдек, тендер (танлов) тақлифларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низоми лойиҳасини бир ой мuddатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиға белгиланган тартибда киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиға белгиланган тартибда киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳўжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорларига 3-иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳўжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиға тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — “Узарттехнохолдинг” АЖ бошқаруви раиси Н. С. Отажонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Э. М. Фаниев, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси А. И. Аҳмедходжаев зиммасиға юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 3 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК  
СУБЪЕКТЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг аъзолари томонидан — Палатаниннг савдо-инвестиция уйлариға олиб чиқиб кетиладиган товарлар бундан мустасно;

б) тадбиркорлик субъектларига товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини олдиндан тўлов, очилган аккредитив, расмийлаштирилган банк кафолати ва экспорт контрактини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан сугурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлмагандан хорижий валютаға экспорт қилиш ҳўқуқи берилади, янги ўзилган мева-сабзавот махсўлотлари ва ушбу қарорға иловада қўрсатилган товарлар (кейинги ўринларда хом ашё товарлари деб аталади) бундан мустасно.

Бунда экспортға божхона расмийлаштируви, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида (кейинги ўринларда ТСОЯЭ тизими деб аталади) ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномасиз амалға оширилади, ушбу қарорға иловада қўрсатилган хом ашё товарлари, шунингдек, инвойси асосида экспорт қилинадиган товарлар бундан мустасно.

Белгилансинки, товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти фақат олдин амалға оширилган экспорт операциялари бўйича тадбиркорлик субъектида мuddати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаганда, ушбу кичик банд шартларига мувофиқ амалға оширилиши мумкин. Бунда экспорт қилувчиларға товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини олдиндан тўлов, очилган аккредитив, шунингдек, харидор банкларининг кафолати ёки экспорт контрактини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан сугурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлиши шартларида экспорт қилиш ҳўқуқи сақланади.

Ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлганлиги учун бевоСИта тадбиркорлик субъектлари жавоб берадилар;

в) импорт операциялари бўйича мuddати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлганлиги учун

импорт қилувчиларға нисбатан экспорт операциялари бўйича мuddати ўтказиб юборилган дебитор қарздорликға йўл қўйган экспорт қилувчилар учун назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади;

г) енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) таъсири юзаға келган ҳолатда хорижий валютадаги тушумининг тушиши мuddати ушбу таъсир юз берган давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, енгиб бўлмайдиган кўчининг амал қилиши давриға узайтирилади;

д) товарлар, ишлар ва хизматлар экспорт қилувчининг ҳисоб рақамиға экспорт контрактини сугурталаш полиси бўйича сугурта қопламаси суммаси (миллиард ва ёки хорижий валюталарда) тушганда, ушбу экспорт контракти бўйича дебитор қарздорлик суммаси молиявий санкцияларни қўллаш мақсадлари учун сугурта қопламаси суммасиға камайtiriлади;

е) божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудиға олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун импорт қилувчилар томонидан экспорт божхона юқ декларацияси мажбурий тақдим этилиши бўйича талаб бекор қилинади;

ж) “вақтинча олиб кириш” божхона режими остидаги товарларни қайта экспорт қилишға давлат божхона хизматлари органилари томонидан рухсатнома берилиши бўйича талаб бекор қилинади.

2. 2017 йил 1 декабрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига товарларни (махсус товарлардан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт контракти тузмасдан, инвойслар асосида, экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидидаги ҳисоб рақамлариға олдиндан тўлов 100 фоиз тушгандан сўнғ ва ТСОЯЭ тизимиға маълумотларни киритиш шартли билан экспорт қилиш ҳўқуқи берилсин.

Бунда янги ўзилган мева-сабзавот махсўлотлари, узум, полиз махсўлотлари, дуккаклилар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни экспорт қилишға қонун ҳўжатларига мувофиқ алоҳида талаблар белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги:

экспорт қилинадиган товарларнинг асосий турлари бўйича ташқи бозорларнинг жорий ва истиқболли конъюнктурасиға доир доимий равишда чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказилишини;

тадбиркорлик субъектларининг экспорт қилинадиган махсўлотлари турларини кенгайтириш учун янги салоҳиятли имкониятлар аниқлашини таъминласинлар.

4. 2018 йил 1 январдан бошлаб ТСОЯЭ тизимини техник қўллаб-қувватлаш ва ундан фойдаланиш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигиға юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2018 йил 1 январға қадар ТСОЯЭ тизими, унинг техник ҳўжатлари ва маълумотларни қайта ишлашда фойдаланиладиган дастурий воситаларнинг бирламчи кодлари билан биргаликда қабул қилинишини — берилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ТСОЯЭ тизими ишини тақомиллаштириш мақсидида манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилсин, унға 2018 йил 1 июлга қадар мuddатда экспорт ва импорт қилувчилар томонидан маълумотлар ТСОЯЭ тизимиға киритилиши тартибини соддалаштириш вазифаларини юқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридидаги Усимликлар карантини давлат инспекцияси, Давлат ветеринария қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Узстандарт” агентлиги ва “Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамияти экспорт-импорт операцияларини амалға ошириш тизимини тизимлаштириш, товарларни божхонада расмийлаштириш жараёнида ахборот-коммуникация тартибини қўлланилиши

самарадорлигини ошириш мақсадида берилган сертификатлар ва рухсат бериш тусидидаги ҳўжатлар тўғрисидаги маълумотлар “Ягона дарча” унификациялаштирилган божхона ахборот тизимиға ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда киритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиға қўргазма тадбирларини ўтказишға муёлланган товарларни (махсўлотларни) олиб чиқиб кетиш тартибини соддалаштириш назарда тутувчи норматив-ҳўқуқий ҳўжат лойиҳасини киритсин;

икки ой мuddатда ушбу қарордан келиб чиқиб қонун ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиға тақлифлар киритсин;

ушбу қарор билан киритилган нормаларнинг самарадорлиги мониторинги доимий равишда олиб борилишини таъминласин ва, зарурат бўлганда, қонун ҳўжатларини янада тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — “Узарттехнохолдинг” АЖ бошқаруви раиси Н. С. Отажонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Э. М. Фаниев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Р. Парпиев ва Давлат божхона қўмитаси раиси М. В. Тоҳирйи зиммасиға юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 3 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “МАХСУС ТУРДАГИ ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ,  
ШУНИНГДЕК, ЭКСПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ИМПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ  
ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, ташқи савдо операцияларини бошқариш механизмларини тақомиллаштириш, экспортни рағбатлантириш ва кенгайтиришға доир тизимли ишлар изчил амалға оширилмоқда.

Жорий йил бошидан бўён ташқи савдо операцияларини амалға ошириш тартиб-таомилларини соддалаштиришға ва экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашға йўналтирилган бир қатор норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар қабул қилинди.

Валютани тартибға солиш бўйича бозор механизмларининг жорий этилиши экспорт қилувчи корхоналар реал даромадларини ва уларнинг ташқи савдо бозорларида рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Шу билан бирға, халқ билан очик мулоқот, Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан, жумладан, кенг доирадаги тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилаётган учрашувлар хали ҳам ортиқча бўлинлар, тўсиқлар, замонавий талабларға жавоб бермайдиган ва маҳаллий тадбиркорларнинг ташқи савдо фаолиятида иштирок этишға тўқсини қилаётган турли идоравий йўриқномалар ва норматив ҳўжатлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шу муносабат билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ва тўпланган тажриба, тадбиркорлик субъектлари турли тифафаларнинг тақлифларини ва илгор халқор тажриба билан ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан “Махсус турдаги товарлар экспорт ва импортни лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибға солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ва

“Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш, экспорт контрактларини рўйхатга олиш, шунингдек, импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш ва тендер ҳўжатларини баҳолаш тартибини янада тақомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, экспорт-импорт тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва махсус турдаги товарларни экспорт ҳамда импорт қилиш учун лицензиялар бериш функцияларини ягона органда бишлаштириш мақсадида Фармонда лицензиялаш функцияларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг Вазирлар Маҳкамасиға ўтказиш назарда тутилган. Бунда заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар, қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар лицензияланадиган товарлар рўйхатидан чиқарилган.

Бундан ташқари, бир-бирини тасдиқлаётган тартиб-таомилларни истисно қилиш мақсадида Фармонда импорт шартномаларини Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан экспертизадан ўтказишға доир амалдаги тартибни соддалаштириш ҳамда унға ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, қиймати 100 минг АҚШ долларидан кам микдордаги импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш тартиб-таомиллари бекор қилинмоқда.

Шунингдек, тендер (танлов) савдоларини ўтказиш даврида бир вақтининг ўзидда тендер (танлов) ҳўжатларини экспертизадан ўтказиш ёки тендер (танлов) тақлифларини баҳолаш тартибини жорий қилган ҳолда, тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича тузилган қиймати 100 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган импорт контрактларини ҳам экспертизадан ўтказиш

бекор қилинмоқда. Бунда тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича тузилган импорт контрактлари қўшимча экспертизадан ўтказилмасдан ҳисобга қўйилади.

Фармонда мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш мақсадида Ҳўкумат қарорлари ва ҳўкуматлараро битимлар асосида тузилган, шунингдек, қеланган рўйхат бўйича махсус турдаги ва хом ашё товарларини экспорт қилиш контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомиллини сақлаб қолиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарориға мувофиқ, экспорт қилувчи корхоналар, уларнинг янги, шу жумладан, истиқболли хорижий савдо бозорларини фал ўзлаштириш учун кулай шартлоилар яратишға қаратилган бир қатор чора-тадбирлар жорий этилмоқда.

Чунончи, экспорт операциялар бўйича мuddати ўтган дебиторлик қарзи ҳосил бўлишини ҳисоблаш мuddати узайтирилиб (60 — 90 кундан), ҳисоблашнинг ягона мuddати белгиланмоқда, яъни махсўлот экспортға жўнатилган кундан бошлаб 120 кун этиб белгиланмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси резидентлари — муассислар томонидан чет элдаги ташиқлотларға (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуьба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборлариға), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзолари томонидан — Палатаниннг савдо-инвестиция уйлариға олиб чиқиб кетиладиган товарлар бўйича тўловлар келиб тушишининг амалдаги мuddатлари (180 кун) сақлаб қолинади.

Европа иттифоқи давлатлари, Туркия, Хитой ва бир қатор МДҲ мамлакатларининг (Россия, Қозоғистон, Беларус) ташқи савдо тартибға солиш соҳасидаги илгор тажрибасини ўрганиш ушбу давлатларда тадбиркорлик субъектлари ўз маблагларидан эркин, ўз ихтиёриға қўра

ва чекловларсиз фойдаланиши, экспорт қилиш шакллари ҳамда тўлов мuddатларини танлаши мумкинлигини, шунингдек, товарларни ташқи савдо контрактларини тузмасдан экспорт қилиш ҳўқуқиға эға эканлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан, шунингдек, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига ўз маблагларини эркин тасарруф этиш бўйича берилган ҳўқуқлар инобатға олинган ҳолда, қарорға мувофиқ шундай тартиб жорий этилмоқда, унға қўра товарлар, ишлар ва хизматларни олдиндан тўлов тўламасдан, аккредитив оқмасдан, банк кафолатини расмийлаштирилмасдан ва сугурта полисисиз хорижий валютада экспорт қилишға рухсат этилмоқда, янги мева-сабзавот махсўлотлари ва айрим турдаги хом ашё товарлари бундан мустасно.

Қарорда чегараолди савдосини ривожлантириш ва экспорт тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига 2017 йил 1 декабрдан бошлаб, товарлар (хом ашё товарларидан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидидаги ҳисоб рақамлариға олдиндан 100 фоиз тўлов тўлангандан сўнғ экспорт контракти тузмасдан инвойслар асосида экспорт қилиш ҳўқуқи ҳам берилмоқда.

Бунда янги мева-сабзавот, узум, полиз, дуккакли махсўлотлар, шунингдек, қуритилган сабзавотлар ва меваларни экспорт қилишға нисбатан қонун ҳўжатларига мувофиқ алоҳида талаблар белгиланмоқда.

Шунингдек, қарорда ташқи савдо фаолиятининг барча иштирокчилари учун тенг шартлоилар яратиш, экспортдан валюта тушумланининг тушиш мuddатлари объектви сабабларға қўра қечкиртирилган ҳолатларда экспорт қилувчиларға нисбатан молиявий санкцияларни асоссиз қўллашға йўл

қўймаслик, экспорт-импорт операцияларини амалға ошириш тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида: мuddати ўтган дебиторлик қарзи ҳосил бўлишға йўл қўйилганлиги учун ҳам экспорт қилувчиларға, ҳам импорт қилувчиларға нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича ягона ёндашувини қўллаш; бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор) даврида хорижий валютадаги тушум тушишининг мuddатини ушбу даврга узайтириш; экспорт контракти бўйича дебиторлик қарз микдорини товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилувчи ҳисоб рақамиға тушган сугурта қопламаси микдорига камаййтириш; Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудиға божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда олиб киритилган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун импорт қилувчилар томонидан божхона юқ декларациясини мажбурий тақдим этиш; “вақтинча олиб кириш” божхона режимида бўлган товарларни қайта экспорт қилиш учун давлат божхона хизмати органилари томонидан рухсатнома беришға доир талабни бекор қилиш; масъул вазирликлар ва идоралар томонидан берилган сертификатлар ва рухсат бериш тусидидаги ҳўжатлар тўғрисидаги ахборотларнинг унификациялаштирилган “Ягона дарча” божхона ахборот тизимиға ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда киритилиши назарда тутилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И**

**МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ, УЗУМ, ПОЛИЗ, ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР, ШУНИНГДЕК, ҚУРИТИЛГАН САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

а) ҳўжалик юритувчи субъектларга экспорт контракт (шартномаси) тузмасдан қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда инвойс асосида мева-сабзаво т маҳсулотларининг экспортини амалга ошириш ҳуқуқини бериш:

этказиб бериш суммаси экспорт божхона декларациясини расмийлаштириш кунига 20 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли тижорат банкларидаги ҳисобварақларга Ўзбекистон Республикасининг норезидентларидан хорижий валютада, шу жумладан, банк ўтказмалари, халқаро банк карталари орқали тўловлар, шунингдек, тижорат банкларининг айирбошлаш шохобчаларида сотиб олинган миллий валютадаги нақд пул маблағларини киритиш шаклида 100 фоизлик олиндиран тўлов олиши;

Ташиқ савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига экспортга этказиб бериш ҳақидаги маълумотларни киритиш;

б) экспорт қилинган мева-сабзаво т маҳсулотларининг фактура қийматиға уларни сақлашда, ташиқда ва сотишда қонун ҳужжатларида белгиланган табиий йўқотиш нормативлари доирасида тузатишлар киритиш.

Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва "Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда ўн кун муддатда экспорт қилинган мева-сабзаво т маҳсулотларининг табиий йўқотиш нормативлари ва уларнинг фактура қийматиға тузатишлар киритиш тартибини белгилайдиган Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йил 15 ноябрдан бошлаб: юридик шахслар томонидан мева-сабзаво т маҳсулотлари кейинчалик экспорт қилиш учун жисмоний шахслардан сотиб олинган, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан сотилган маҳсулотлар уларга ёки уларнинг оила аъзоларига ажратилган ер участкаларида етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилмасдан қўлланилади;

экспорт қилувчида олдинги экспортга этказиб бериш бўйича муддат ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлганда, товарларни чиқариш фақат муддат ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган чет эл харидорига рухсат этилмайдиги;

мева-сабзаво т маҳсулотлари экспортга юк божхона декларациясини расмийлаштириш кўрик ҳужжати

тузилганидан кейин 3 соатдан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда "Ўзбекизоққовқатхолдинг" ХК билан биргаликда 2017 йил 15 ноябрга қадар муддатда мазкур қарорнинг 1-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда, Ташиқ савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини такомиллаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Ташиқ савдо вазирлиги Ташиқ ишлар вазирлиги, Иқтисодий таълим ва спорт вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзаво т маҳсулотлари савдоси ва экспорти соҳасидаги халқаро шартномаларни инвентаризациядан ўтказиши; амалдаги импорт божхона божлари, акциз солиғи ва йғимлар ставкаларини, шунингдек, мева-сабзаво т маҳсулотларини сақлаш, ташиқ ҳамда мева-сабзаво т маҳсулотларининг потенциал импорт қилувчи хорижий мамлакатларда сотишда санитария норма ва қоидаларини танқидий ўрганишини таъминласин.

5. Ташиқ савдо вазирлиги инвентаризация ва танқидий ўрганиш янқуларини бўйича 2017 йил 1 декабрга қадар муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзаво т маҳсулотларининг савдоси ва экспорти соҳасида янги халқаро шартномалар тузиш ҳамда амалдаги қўқотишга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича чора-тадбирларни амалдаги норматив ҳужжатлар, санитария норма ва қоидалар, фитосанитария талабларини халқаро стандартлар, шунингдек, маҳаллий мева-сабзаво т маҳсулотларининг потенциал импорт қилувчи хорижий мамлакатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда қайта қўқиб чиқиб бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳасини Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. "Ўзстандарт" агентлиги: Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ййирма кун муддатда республикада халқаро стандартларни, шу жумладан "ISO 22000", "Ҳалол" стандартларини жорий этиш ва кейинчалик қўллаш бўйича чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси мувофиқлик сертификатларини маҳаллий мева-сабзаво т маҳсулотларини асосий истеъмол қилувчи давлатларда, шу жумладан, икки томонлама ва кўп томонлама битимларини тузиш, шунингдек, лабораторияларни модернизация қилиш орқали тан олинишини таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Усимликлар карантини давлат инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда экспорт қилувчи томонидан зарур ҳўжатлар тақдим қилинган вақтдан кўпи билан бир шун кун давомида мева-сабзаво т ҳамда тез бузиладиган маҳсулотларининг экспорти учун сертификатлар беришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикасини Ташиқ савдо вазирлиги, Ташиқ ишлар вазирлиги ва "Ўзбекизоққовқатхолдинг" ХК:

мева-сабзаво т маҳсулотларини экспортга этказиб беришининг асосий номенклатураси бўйича ташиқ бозорларининг жорий ва истиқболдаги конъюнтураларини доимий асосда чуқур ўрганиши; мева-сабзаво т маҳсулотлари экспортининг янги истиқболли йўналишларини аниқлаш ҳамда тури ва навиға боғлиқ ҳолда маҳаллий мева-сабзаво т маҳсулотларига бўлган талабни аниқлаш ҳисобига уларнинг номенклатурасини кенгайтирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси Инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикасини Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ҳақиқий эҳтиёж ҳамда мева-сабзаво т маҳсулотларини ташиқ йўналишларини чуқур ўрганиш асосида Мева-сабзаво т маҳсулотларини ишлаш, сақлаш ва ташиқ бўйича логистика марказларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда лойиҳаларнинг аниқ рўйхати белгилансин, марказларни оптимал ва оқилона жойлаштириш, уларни ташкил этиш муддатлари, халқаро ва хорижий молия институтларининг маблағлари билан бирга, чет эл инвестицияларини жалб этишға алоҳида эътибор қаратилсин.

10. Божхона тартиб-таомиллари ва экспорт-импорт операцияларини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб юритилади) иловаға мувофиқ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ 2018 йил 1 февралға қадар муддатда божхона тартиб-таомиллари ва экспорт-импорт операцияларини тартибға солувчи қонун ҳўжатларини халқаро амалиётни

ҳисобға олган ҳолда такомиллаштириш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Тижорат банклариға мева-сабзаво т маҳсулотларини экспорт қилувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тайёрлов ташкилотларининг депозит ҳисобварақларидан уларнинг буюртмалари бўйича мева-сабзаво т маҳсулотлари сотиб олиш учун нақд пул маблағларини беришни таъминлаш тавсия этилсин.

12. "Ўзбекизоққовқатхолдинг" ХК импорт ва экспорт қилувчи чилар учун, шу жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, уларнинг нави ва нарҳлари, шунингдек, чет эл харидорлари томонидан мева-сабзаво т маҳсулотларини сотиб олишға бўлган талаблар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона ахборот порталини юритишни таъминласин.

13. "Ўзбекизоққовқатхолдинг" ХК Ўзбекистон Республикасини Адлия вазирлиги, Ташиқ савдо вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда қонун ҳўжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикасини Бош вазирининг ўринбосари Н. С. Отахонов икки кун муддатда мазкур қарор талаблари бажарилишининг бориши устидан таъсирчан назорат қилиш, мева-сабзаво т маҳсулотлари экспортининг тасдиқланган параметрларға эришишни тизимли мониторинг қилиш ҳамда аниқланган муаммолари масалаларни тезкорлик билан ҳал қилишни таъминлаш бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан махсус гуруҳни шакллантирсин, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикасини Президентини ва Вазирлар Маҳкамасини томонидан қарор қабул қилиш учун асосланган тақлифларни киритсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасини Бош вазирининг ўринбосарлари Ж. А. Қўқоров, Н. С. Отахонов ва З. Т. Мирзаев, Ўзбекистон Республикасини Марказий банкнинг раиси М. Б. Нурмуратов, "Ўзбекизоққовқатхолдинг" ХК раиси Т. А. Жалилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасини Президентини Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2017 йил 6 ноябрь

**Ўзбекистон Республикасини Президентининг "МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ, УЗУМ, ПОЛИЗ, ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР, ШУНИНГДЕК, ҚУРИТИЛГАН САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ**

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш ва бюджетға молиявий тушумларни ошириш кўпинча мева-сабзаво т маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзаво т ва меваларни (кейинги ўринларда мева-сабзаво т маҳсулотлари деб юритилади) маҳаллий экспорт қилувчилар учун қўқиб бўйича шарт-шароитлар яратилганлигиға боғлиқ бўлади.

Замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва қатор товарларни экспорт қилиш тартибини соддаштириш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилганлигиға қарама-қардон, мева-сабзаво т маҳсулотларини экспорт қилишнинг кўпайиши ва турларини кенгайтиришға тўқинлиқ қилувчи камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасини Президентининг "Мева-сабзаво т маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзаво т ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан ҳўжалик юритувчи субъектларининг мева-сабзаво т маҳсулотларини экспорт қилиш тартиб-таомилларини янада соддаштириш, жисмоний шахслар томонидан уларнинг ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш назарда тутилди.

Ҳусусан, бугунги кунда экспортға йўналтирилган мева-сабзаво т маҳсулотларининг 90 фо-

зидаан ортиғи кичик ишлаб чиқарувчилар томонидан ёрдамчи ҳўжаликларда, шу жумладан, томоққа участкаларида етиштирилмоқда. Мазкур ишлаб чиқарувчилар чет эл харидорлари билан шартномалар тузиш ва рухсат бериш тартиб-таомиллардан ўтиши лозимлиги сабабли маҳсулотларини мустақил равишда экспорт қилиш имкониятиға эға эмас.

Шунинг билан тадбиркорлик субъектларига қарори билан тадбиркорлик субъектларига экспорт контракт тузмасдан уларнинг тўлови ва этказиб берилиши бўйича шартларға риоя қилган ҳолда инвойс асосида мева-сабзаво т маҳсулотларини экспортини амалга ошириш ҳуқуқи берилди, бу халқаро амалиётға мувофиқдир.

Қарор билан божхона органлари томонидан экспорт қилинаётган мева-сабзаво т маҳсулотларининг табиий йўқотиш нормативини ҳисобға олиш тартиби мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бошқа муаммолари масала ўз ичидини топиди. Ҳисобға олинган табиий йўқотиш асосида дебитор қарздорлик юзасға келишиға, тегишлича, келиб тушмаган валюта маблағларининг 70 фоизига қадар миқдорда жарима қўлланилишиға олиб келган.

Бундан келиб чиққан ҳолда, қисқа муддатда экспорт қилинган мева-сабзаво т маҳсулотларини сақлаш, ташиқ ва сотишда табиий йўқотиш нормативлари, шунингдек, уларнинг фактура

қийматиға тузатишлар киритиш тартибини белгилаш топширилди.

Кейинчалик экспорт қилиш учун фуқаролардан мева-сабзаво т маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланидиган юридик шахсларнинг фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча қўқиб шарт-шароитлар назарда тутилди.

Ҳусусан, жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар келгусида жисмоний шахслар томонидан маҳсулотларининг етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳўжатни тақдим қилмасдан қўлланилиши белгиланмоқда. Агар экспорт қилувчида олдин амалга оширилган экспортға этказиб бериш бўйича муддат ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, фақат муддат ўтган дебитор қарздорлик йўл қўқан чет эл харидорига товарларни чиқариш рухсат этилмайдиги.

Шу билан бир қаторда, қарор билан мева-сабзаво т маҳсулотлари экспортға божхона юк декларациясини расмийлаштириш кўрик ҳўжати тузилганидан кейин 3 соатдан кўп бўлмаган муддатда амалға оширилдиган тартиб жорий этилди.

Мева-сабзаво т ва тез бузиладиган маҳсулотларнинг экспорти учун зарур бўлган сертификат бериш муддати экспорт қилувчи томонидан ҳўжатлар тақдим қилинган вақтдан бошлаб бир шун кунға қадар қисқартрилди.

Амалдаги импорт божхона божлари, акциз

солиғи ва йғимлар ставкалари, шунингдек, хорижий мамлакатлардаги санитария нормаларини танқидий ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикасини мева-сабзаво т маҳсулотларининг савдоси ва экспорти соҳасидаги халқаро шартномалари инвентаризациядан ўтказилади. Унинг янқуларини бўйича янги халқаро шартномалар тузиш ва амалдаги нурини қайта қўқиб чиқиб бўйича тақлифлар тайёрланади.

Шунингдек, Давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикасини берилган мувофиқлик сертификатларининг маҳаллий мева-сабзаво т маҳсулотлари асосий истеъмол қиланадиган давлатларда тан олиниши, шунингдек, лабораториялар модернизация қилинишини таъминлаш чораларини кўриш топширилган. Мазкур топшириқнинг амалға оширилиши маҳаллий этказиб беришчилар хорижий бозорларда уларнинг маҳсулотлари мева-сабзаво т маҳсулотларини потенциал импорт қилувчи кўпгина мамлакатлар стандартлари, санитария ва фитосанитария талабларига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Қарорда мева-сабзаво т маҳсулотларини экспорт қилиш соҳасида инновационлаштириш яратиш ва замонавий технологияларни жорий этишға алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мақсадда ҳақиқий эҳтиёж ҳамда халқаро

ва хорижий молия институтларининг чет эл инвестициялари ҳисобига мева-сабзаво т маҳсулотларини ташиқ йўналишларини ўрганиш асосида мева-сабзаво т маҳсулотларини ишлаш, сақлаш ва ташиқ бўйича логистика марказлари ташкил этилади.

Ҳозирги вақтда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар етиштирган маҳсулотлари, уларнинг нави ва нарҳлари, шунингдек, чет эл харидорлари томонидан уларни сотиб олиш учун буюртмалари тўғрисидаги фойдаланилаётган тарқоқ ахборот базалари импорт ва экспорт қилувчилар учун ягона порталға бириштилди.

Мева-сабзаво т маҳсулотларининг экспортини ривожлантириш бўйича қайд этилган чора-тадбирлар билан бирга, Ўзбекистон Республикасини Президентининг қарори билан ишчи гуруҳ ташкил этилди ва унга 2018 йил 1 февралға қадар миллий божхона тартиб-таомиллари ва экспорт-импорт операцияларини халқаро амалиётни ҳисобға олган ҳолда такомиллаштириш бўйича қўшимча тақлифлар тайёрлаш ва Ҳукуматға киритиш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарор ташиқ иқтисодий фаолиятини янада либераллаштириш ва мева-сабзаво т маҳсулотларини экспорт қилувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иш шароитларини яхшилаш имконини беради.

**ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ**

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Маросимда Ўзбекистон Республикасини Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, адабиёт ва санъат намояндалари, вилоят аҳли, Қорақалпоғистон Республикасини вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар, ёшлар иштирокида Ш. Шароф Рашидовнинг фарзандлари, дўстлари, ҳамкасблари, шоғирдлари ва бошқа яқинлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикасини Президентини Шавкат Мирзиёев нуқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти, юксак инсоний фазилатлари, халқимиз манфаатлари йўлидаги буюк хизматлари ҳақида сўз юритди.

Шароф Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Жиззах шаҳрида туғилган. Жиззах педагогика техникуми, Самарқанд давлат университетининг филология факультетида ўқиган. Фаолиятини Самарқанд вилояти газетасида бошлаб, билим ва қобилиятини юксаклиги боис университетнинг охири курсида ўқиб юрган давридаёқ ушбу газетға мударрис бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан 1942 йил ярадор бўлиб қайтган. Уттиз ёшида республиканинги ўша пайтдаги энг нуфузли нашири — "Қизил Ўзбекистон" газетасига мударрис этиб тайинланган. Шароф Рашидов шир, ёзувчи ва публицист сифатида танилган. Унинг "Чегарачи" достони, "Қаҳрим" шеърлар тўплами, "Икки дил достони" асари, "Бўрондан қучли", "Қудратли тўқин", "Ҳалиблар" каби романлари шўҳрат қозонган. Атоқли адиб 1949 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюм маси бошқаруви раиси этиб сайланган.

У 1959 йил Ўзбекистон раҳбари этиб сайланганида эндиғина қирқ ёшдан ошган эди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада қарий чорак аср фойдойлик билан ишлади.

Бу жуда мураккаб, зиддиятчи давр эди. Шароф Рашидов шундай шароитда ҳам халқига фарзандлик бурчини адо этди.

Мирзачўл, Қарши, Ёзёнов, Сурхон-Шеробод чўллларининг ўзлаштирилиши, миллионлаб гектар қўқиб ерларда бог-роғлар ва озиқ-овқат экинларининг жой олиши узқини ўйлаб амалға оширилган эди. Бу майдонлар бугун ҳам халқимиз фаровонлигиға хизмат қилмоқда.

Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон харитасида Навойи, Зарфшон, Янғиер, Гулистон ва бошқа ўзлаб шаҳарлар пайдо бўлди. Республиканинги барча худудида қурилдиш ва ободончилик ишлари авж олди. Жуда кўп иншоотлар — заводлар, фабрикалар, шифохоналар, олий ўқув юрталари, йўллар, мактаблар қурилиши, қонларнинг очилиши у кишининг номи билан боғлиқ.

Бу даврда пойтахтимиз Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бириға айланди. У, айниқса, Тошкент зилизласидан кейин янада чирой очди. Тошкент метрополитени, "Истиклол" санъат саройи, "Ўзбекистон" меҳмонхонаси, Тошкент телеминосиси пойтахтимизнинг кўрки ҳисобланади.

Шароф Рашидов ниҳоятда камтар, очкикўнгил одам бўлган. Чўпон билан чўпондек, деҳқон билан деҳқон тилиди гаплашган. Хар қандай шароитда одамларнинг қалбига йўл топа билган.

Атоқли давлат арбоби раҳбарлик борасида ҳам улкан мактаб яратган. У кишининг донолиги, дипломатлиги, одиллиги ва айнаи пайтда оддийлиги барча раҳбарларға намуна бўлган. Шароф Рашидов ўта зийли киши

бўлган. Фарзандларига ҳам пухта сабоқ берган. У кишининг фарзандлари, неварачегаралари турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Шароф Рашидов вафотидан кейин республиканинги иқтисодий тараққиётни сўзлашди. Бу аввало ўша пайтдаги нотўғри сиёсат, қолаверса, халқ обрўли, тажрибали йўлбошчинини йўқотганининг оқибати бўлди. Қучли раҳбарсиз, ҳимоясиз қолган юртимиз ёвуз тажриба майдонига айлантирилди.

Албатта, у ўз даврининг фарзанди эди, ўша пайтдаги тузумға хизмат қилди. Аммо дунёдан ўтганида бу тузум унга хиёнат қилди. Хотирасини таҳрирлади, яқинларини таъқиб этди.

Республика раҳбарлигиға Ислом Каримов келган, барча тўқмат ва таъқибларни тўхтатди. Тарихий адолат тикланди. Унинг пок номи оқланди. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланди.

Шавкат Мирзиёев маросимдаги сўзида яхшиликнинг муқофоти фақат яхшилик эканини таъқидлади.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори билан элу юртимизға меҳнатчи сингган инсонларнинг хурмати жойига қўйилмоқда, ўтганлар хотираси улуғланмоқда. Кейинги бир йилда бу борада улкан ишлар амалға оширилди. Тошкент ва Самарқандда Ислом Каримов, Наманган вилоятида Исҳоқжон Ибрагимов, Қорақалпоғистонда Отаниёзов, Қорақалпоғистонда Ибройим Юсупов, Фарғанада Эркин Воҳидов, Қашқадарёда Абдулло Орипов, Андижонда Мухаммад Юсуф хотиралари абдийлаштирилди. Уларнинг номи билан аталдиган марказлар, ижодий мактаблар ташкил этилди. Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуаси очилди.

Юртимиз тараққиётни йўлида фидокорона хизмат қилган, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги нишонлиниши халқимизни беҳад қувонтирди.

Жиззахда бу воқеаға катта таъйргарлик қўрилди. Вилоят марказида Шароф Рашидов хиббони янғидан барпо этилди. 3 гектардан зиёд майдон қўқаламзорлаштирилди. Худудға Бельгиядан келтирилган қор қарағайи, қорақайин, лола дарахти каби 20 дан ортиқ дарахт турлари экилди. Диаметри 24 метр бўлган рангли фаввора қурилди.

Хиббон тўрида кўр тўқиб турган "Ўзбекистон" меҳмонхонаси ҳам реконструкция қилинди. Унинг икки томонида жойлашган "Бўстон" ва "Наврўз" мажмуалари тўла таъмирланди, йирик анжуманлар ўтказиш учун қўқиб ширитилди.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги О. Салимов, меҳнат фахрийси И. Жўрабеков, учувчи-космонавт В. Жонбеков, меҳнат фахрийси Қ. Камалов, академик С. Рашидова Шароф Рашидов билан боғлиқ хотираларини, у кишининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлади.

Шароф Рашидов ҳайкалини Ўзбекистон Республикасини Президентини Шавкат Мирзиёев ва Шароф Рашидовнинг қизи Сайёра Рашидова очди.

Ўзбекистон Республикасини Давлат мажмуаси янғиди. Шароф Рашидов ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шавкат Мирзиёев юбилей арафасида қуриб битказилган Шароф Рашидов мемориал музейида бўлиб, бу ерда яратилган шароит

# ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1 ва 3-бетларда).

Музей экспозицияси мазмунини Президентнинг "Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурашимиз" асари ҳамда Хамид Олимжон ва Зулфия хиббони, улар номи билан аталувчи мактаб-интернат ташкил этиш буйича билдирган фикр-мулоҳазалари асосида шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги хиббон атрофини янада ободонлаштириш, музей фаолиятини такомиллаштириш, мактаб-интернат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш буйича топширилган берди. Шоирлар ҳайкали пойга гул қўйди.

Атоқли давлат арбоби, танкичи ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Жиззах вилояти мусикали драма театри ҳам замонавий талаблар даражасида реконструкция қилинди.

Бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари жараёнида театр биносининг олд қисмига замонавий қоплам ва витраж ўрнатилди, йўлакларга керамика плиталар ётирилди. Бино олдига фусункор фаввора, яшил майсазор барпо этилиб, ҳудудга ноб манзарали дарахт ва гул қўчатлари ўтказилди.

Бионинг иситиш тизими, ҳаво алмаштириш, электр, ичимлик суви тармоқлари янгиланди. 550 ўринли томоша залидаги ўриндиқлар, саҳнани ёритиш, овоз кучайтириш ус-

куналари янгисига алмаштирилди, грим хоналарида зарур шарт-шароит яратилди.

Президентимиз театр биноси билан танишар экан, ушбу замонавий санъат даргоҳи Шароф Рашидовнинг кутлуг таваллуд санаси нишонлангани кунда Жиззах вилояти халқига катта тўхта бўлганини таъкидлади.

Мазкур санъат қошоноси фаолиятини вилоятнинг олис туманларида яшовчи одамлар ҳам сезиши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг учун театр ижодий жамоаси салоҳиятини юксалтириш, бугунги замон даражасида саҳна асарларини қўйиш устида ишлаш зарур. Шу орқали одамларнинг театрга қизиқшини ошириш, уларнинг маънавиятини тарбиялаш лозим.

Театрнинг вилоят маънавий-маърифий ҳаётидаги ролини ошириш ҳамда самарали ишлашини ташкил этиш мақсадида 2018 йилга мўлжалланган намунавий дастур тузиш буйича кўрсатмалар берилди. Бу дастурда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун 7 қаватли уй-жой қуриш, актёр ва режиссёрларнинг малакасини ошириш, театрда ижодий муҳитни вилоятдаги мусика ва санъат мактабларига ҳам ёйиш каби масалалар эътиборга олинди.

Куннинг иккинчи ярмида Жиззах вилояти мусикали драма театрида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ва концерт дастури бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Унда сенатор ва депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи-шоирлар, маданият ва санъат намоёндалари, адибнинг авлодлари, фахрийлар, ёшлар, адабиёт илосмандлари қатнашди.

Шароф Рашидов атоқли давлат арбоби бўлиш билан бирга, улкан сўз санъаткори, моҳир таржимон, инсон қалбининг зуқко билимдониди эди. Унинг ёшлик, баҳор, гўзаллик, эзгулик, Ватан меҳри тараннум этилган асарлари халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Хусусан, "Қашмир кўшиги", "Икки дил достони", "Дил амира" каби асарлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган, қатор асарлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган, спектакллар саҳналаштирилган.

Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимиз миқёсида катта тантана билан нишонланмоқда. Бу тадбирларда халқимизнинг улуғ адибни қанчалар ардоқлаши, унинг ижодий мероси, одамлар дардига малҳам бўлишдек ўзбекона сифатлари ва фазилатларини қадрлаши намён бўлмоқда.

Бу адибнинг 100 йиллик юбилеига бағишлаб ўтказилган хотира кечаси концертида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Унда юртимиз санъат усталари томонидан миллий ашула ва рақслар, ҳаётини санъатининг энг сара асарларидан намуналар ижро этилди.

Ушбу куй-қўшиқлар қалбларда Ватанга муҳаббат, ҳаёт сурури туйғуларини жўш билдириди. Шароф Рашидов сўзи билан айтилуви "Оламда гуллар яшар", "Ватан фидойиларига", "Дугоналар", "Ёр келур", "Кел, ассалом" шеърларига басталанган тароналар, халқ ашулалари, жаҳон санъатидан ижро этилган ария ва композициялар тингловчиларга бир олам завқ бағишлади.

Саҳна ортидаги улкан мониторда дошиман инсоннинг болалик ва ёшлик давлари, уни вояга етказган ота-онаси сиймолари, Шароф Рашидовнинг она-Ватанимиз, халқимиз гурурини кўтариш, юртимизни обод этиш йўлида бутун борлигига бағишланган ҳаёти, Президентимиз раҳнамолигида ардоқли адиб номи абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, бугунги дориланон ҳаётимиз акс эттирилган лавҳалар намойиш этилади.

Буларнинг барчаси ўз элига ва Ватанига фидойи инсоннинг халқимиз юрғидан муносиб жой олгани ва меҳрига сазовор бўлгани намён қилади.

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечалари, маънавий-маърифий тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳалларда давом этмоқда.

7 ноябрь кунини Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчи-

лар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида "Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида туган ўрни" мавзусида илмий конференция ўтказилди.

"Жиззах" эркин иқтисодий зонасида Франциянинг "Пежо Ситроен" гуруҳи билан ҳамкорликда автомобил заводи барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташири давомида мазкур замонавий корхона қурилиши билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги "Хорижий инвестициялар иштирокидаги "Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive" корхонасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Узавтосаноат" АК ва Peugeot Citroen Automotive гуруҳи ўртасида эришилган келишув асосида барпо этилаётган ушбу қўшма корхона Ўзбекистон автомобиль санъатининг истиқболига хорижий ишбилармонларнинг катта ишончи самарасидир.

Заводда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган "Пежо Эксперт" ва "Пежо Боксер" тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш режалаштирилган. 600 иш ўрни яратилаётган корхона 2019 йил махсулот ишлаб чиқара бошлайди.

Йилга 16 минг донга замонавий автомобиль ишлаб чиқариш қувадига эга корхона махсулоти ички бозордан ташқари, МДҲ мамлакатлари, Эрон, Франция ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Президентимиз қурилиш ишларини жадаллаштириш, сифат ва самардорликка алоҳида эътибор қаратиш юзасидан тегишли топширилган берди. Шавкат Мирзиёевга бу ерда ишлаб чиқариладиган автомобиллар намуналари намойиш қилинди.

Шу ерда Марказий Осиёдаги энг йирик ойна ишлаб чиқариш заводи тақдими ҳам ўтказилди.

"Жиззах" эркин иқтисодий зонасида барпо этилаётган шихага чўқур ишлов бериш ва йирик ўлчамдаги шиха махсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 110 миллион АКШ долларини ташкил этмоқда. Хитойнинг "Миньюанг силу" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган корхонанинг биринчи навбатини 2017 йил якунигача фойдаланишга топшириш қўзда тутилган. 2019 йил сентябр ойда корхона тўла қувватда ишлаб бошлайди.

Президентимизга "Ўзқурилишматериаллари" АЖ томонидан Жиззах вилоятида 2017-2018 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

**Анвар САМАДОВ,**  
**Абубакр ҲУРОВ,**  
**Матназар ЭЛМУРҚОВ,**  
**Умар АСРОРОВ,**  
**ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ.**

Сарвар ҲУРОМОНОВ олган суратлар.

## ТАДБИР

Пойтахтимизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Электр энергетика кенгашининг 51-мажлиси бўлиб ўтди. Унда МДҲга аъзо давлатларнинг тегишли вазириликлари, электр энергетика компаниялари раҳбарлари, МДҲ Ижроия қўмитаси, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

## Энергетика масалалари муҳокама этилди

МДХ Электр энергетика кенгашининг асосий фаолиятга аъзо давлатларнинг электр энергияси, шу жумладан, коллектив энергетика хавфсизлигини таъминлаш, умумий энергетика бозорининг иқтисодий ва ҳуқуқий шартлари борасида таклифлар ишлаб чиқиш, мазкур йўналишдаги халқаро шартномаларни тайёрлашда иштирок этиш, техник қоидаларни тартибга солиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш ҳамда уйғунлаштиришда ёрдам кўрсатиш, ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш каби бир қатор вазифалар кирди.

Ийгилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Султонов, Россия Федерациясининг энергетика вазири А. Новак, МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижроичи қотибнинг ўринбосари С. Иванов ва бошқалар таъкидлаб ўтганидек, Кенгаш аъзо мамлакатлар иқтисодиёти ҳамда аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш, соҳада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш ва электр энергия тармоқларининг интеграциялашувига қўмаклашишда муҳим роль ўйнапти.

Мажлисда 2017/2018 йиллар куз-қиш мавсумида Ҳамдўстлик давлатлари энергетика тизимларининг барқарор ишлашини таъминлашга доир маърузалар тингланди. Шунингдек, МДХ доирасида электр энергетика соҳасидаги халқ-

аро шартномалар, МДХ Электр энергетика кенгашининг меъёрий ҳамда техник ва Ишчи гуруҳининг энергия самарадор ҳамда қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича ҳужжатлари кўриб чиқилди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда бошқа соҳалар қаторида энергетика йўналишида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда, — дейди "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи Э. Саъдуллаев. — Кенгашнинг навбатдаги мажлиси Тошкент шаҳрида ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Зотан, унда соҳа истиқболли бўйича биргалликда иш олиб бориш юзасидан фикр алмашилди. Бундан қўзғалган асосий мақсад қилинадиган ишларни мақбуллаштириш баробарида, ҳаражатларни камайтиришдир.

Жорий йилда жамиятимиз томонидан энергетика йўналишида бир қатор лойиҳалар рўйбга чиқарилмоқда. Толимаржон, Ангрэн иссиқлик электр станцияларидаги янгиланишлар бунга мисол бўла олади.

Тадбирда МДХ Электр энергетика кенгашининг меъёрий-техник ва Ишчи гуруҳининг энэргосамардорлик ҳамда қайта тикланувчан энергия манбаларини ривожлантириш бўйича ҳужжатлари кўриб чиқилиб, яқунда МДХ Электр энергетика кенгашининг қарорлари имзоланди.

Дилшод УЛҒУМУРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатида Саудия Арабистони — Ўзбекистон парламентлараро дўстлик Қўмитаси раиси Ўринбосари Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ҳомидий билан учрашувлар бўлиб ўтди.

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мулоқотлар чоғида меҳмонларга юртимизда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юзасидан батафсил маълумот берилди. Чунончи, Ўзбекистонда янгиланган ички ва ташқи сийёсат олиб борилаётгани, давлат бошқаруви тизимини замонавийлаштириш ҳамда такомиллаштириш, унинг халқ билан яқинлигини, шафқатлигини таъминлаш, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, ижро ҳокимияти устидан назоратини кучайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилаётгани қайд этилди.

Томонлар сийсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб аҳамиятга эга масалалар буйича фикр алмашди. Таъкидланган-

нидек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 21 майда Саудия Арабистонига ташрифи икки мамлакат ўртасида барча соҳадаги муносабатларни янада мустаҳкамлади. Парламентлараро алоқаларни кенгайтиришга ҳам зарур шарт-шароит яратилди.

— Ўз навбатида, Саудия Арабистони — Ўзбекистон парламентлараро дўстлик Қўмитаси раиси Ўринбосари Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ҳомидий самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

— Мамлакатингиз ислом цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган буюк алломалари, файласуфлари билан дунёга машур, — дейди Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ҳомидий. — Айни пайтда Президент Шавкат Мирзиёев

раҳбарлигида юртингизда иқтисодиёт, ташқи сийёсат соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини тортмоқда. Айниқса, мамлакатда тадбиркорликни янада тараққий топтириш, қулай инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича рўйбга чиқарилаётган тизимли сай-ҳаракатлар, аниқ чора-тадбирлар таҳсинга сазовор. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, айниқса, савдо-иқтисодий, инвестиция соҳаларида мавжуд имкониятлардан янада кенг фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир. Биз жуда яхши билемизки, халқароликни ислом дини билан бириктиради. Ўзбекистонда ислом динининг асл мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш борасида амалга оширилаётган ишларни, шу жумладан, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот маркази ташкил қилинганини қўллаб-қувватлаймиз.

Конструктив руҳда ўтган учрашувларда иштирокчилар келгусида парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашга оид масалаларни муҳокама қилдилар. Таъкидлаб ўтилганидек, бу сай-ҳаракатлар икки мамлакат ўртасидаги қўл томонлама муносабатларга ижобий таъсир кўрсатади.

Зиёда АШУРОВА.

## ДАВРА СУХБАТИ

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани Абдулла Қодирий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида "Ватанпарварлик — маҳалладан бошланади" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

## Меҳр-оқибат ва тарбия маскани

Ўзбекистон Республикаси Мудофая вазирилик бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари, маҳалла фаоллари ва ўқувчи-ёшлар қатнашган тадбирда мамлакатимизда қарор топган қонун устуворлиги, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва боғлиқ маънавий муҳит тинч-осойишта ҳаётимизнинг муҳим пойдевори бўлаётгани таъкидланди.

— Маҳалламизда ўндан зиёда миллат вакиллари аҳил-иноқ истикомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Лилия Тўраҳўжаева.

— Биргалликда қўллаб маънавий-маърифий тадбирлар, ҳашарлар ташкил этмоқдамиз. Оилаларнинг ижтимоий ҳолатидан хабардор бўлиб, ҳуқуқбу-

зарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Зеро, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Тадбирда ҳарбий ҳизматчилар жорий йилдаги III халқаро армия ўйинлари дастури доирасидаги "Қўшин разведкаси аълочилари" ҳамда Буюк Британияда разведка бўлинмалари ўртасида ўтган "Кембрия патрули" халқаро танлови таассуротлари ва эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб беришди.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли жамоасининг куй-қўшиқлари тадбирга ўзгача шухуқ бағишлади.

Фазлидин АБИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон солиққа тортиш рейтингига 60 поғона юқорилади

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармонига мувофиқ қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, уларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

### ЭЪТИРОФ

Унда белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси доирасида республикамизда инвестиция иқлимини яхшилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган кенг қамровли сай-ҳаракатлар олиб борилиб, ижобий натижаларга эришилаётди.

Қўлга киритилаётган ютуқлар Жаҳон банкнинг жорий йил 31 октябрда эълон қилинган "Бизнесни юритиш 2018: иш ўринлари яратиш учун ислохотлар" маърузасида ҳам ўз эътиборини топди. Унга қўра, Ўзбекистон солиққа тортиш кўрсаткичи буйича 138-ўриндан 78-ўринга кўтарилди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ маъмурияти яхши шартларда шакллантирилди ва тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар бериш масалалари алоҳида эътибор қаратилляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва жорий йил 1 августдаги "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори амалиётга замонавий акҳборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбир-

корлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотисиз электрон хизматлар кўрсатишни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2017 йил 29 сентябрдаги "Фискал хотирани назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса ушбу йўналишда ишлар сифатини янада юксалтириш, юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан нақд пулга товарларни реализация қилиш, аҳоли билан ҳисоб-китобни тезкор амалга ошириш ва тизим назорат функциясини такомиллаштиришда муҳим омили бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ, 2018 йилнинг январидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида онлайн назорат-касса машиналари тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий этилади. 2018 йилнинг 1 июлидан ушбу ҳудудлардаги юридик шахслар, 2018 йилнинг 1 декабрдан бошлаб эса мамлакатимиздаги барча юридик ва жисмоний шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш

ҳамда хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн назорат-касса машиналарини қўллаган ҳолда амалга оширишга босқичма-босқич ўтказилиши қўзда тутилмоқда.

Республикамизда ушбу янги тизимни жорий этиш орқали марказлашган тарзда электрон маълумотлар базаси яратилди. Натижада Давлат бюджетига солиқ тўшувлари кўпайди. Тўловлардан қасддан бўйин товлашининг олди олинди.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан тизимда замонавий акҳборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш юзасидан ҳам аниқ чора-тадбирлар қўрилмоқда. Масалан, давлат солиқ хизмати органларининг [tu.soliq.uz](http://tu.soliq.uz) — "Электрон солиқ хизматлари" портали тест режимида ишга туширилгани аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қўрсатиладиган электрон давлат хизматларини оптималлаштириш, уларнинг сифатини ошириш, ҳаражатларни камайтириш, пировардида солиқ тўловчиларнинг хизматлардан қониқishi даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Дилшод ЖУМБАЕВ тайёрлади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 74 524 нухсда босилди, ҳаҳми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоəsi келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРИЯТ КЕЛГАН ҚЎБЎЗЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЙДАН ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРИЛАЙДИ. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг шрифтграфик жиҳатдан сифатини оширишга "Шарк" шрифт-матбаа акциядорлик компанияси мисқул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукрор,  
Навбатчи — Ю. Бўрунов,  
Мусахҳиқ — С. Исломов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.05 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6